

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи судья Д.Юсупова, судья ёрдамчиси С.Турсунованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмалик шаҳар прокурори ёрдамчиси Ф.Нажмиддинов, С.Усманованинг таржимонлигида, судланувчи Б.Денис ва унинг ҳимоячи-адвокати Д.Хамракуловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган:

Браун Денис Валентинович (Braun Denis Valentinovich), 26.01.1992 йилда Ангрен шаҳрида туғилган, миллати рус, (ўзбек тилини мукамал билади) Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, мукаддам: мукаддам судланган:

1. жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2006 йил 14 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг

86-моддаси тартибида 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

2. жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2012 йил 26 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2013 йил 14 майдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 3 ой 26 кун жазо муддати ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2013 йил 12 июлдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 3 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

3. жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2014 йил 12 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 6 (олти) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2017 йил 19 июлдаги ажрими билан ўталмай қолган 3 йил 2 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат



даромади ҳисобига ундириб бориш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

4.жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2018 йил 8 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ЖКнинг 34-моддасига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топилган.

5.жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2018 йил 18 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, унга нисбатан иш бўйича 05.07.2024 йил қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини ўз муддатида олганга нисбатан 1-1110-2402/365-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Д.Браун, 2024 йил май ойи охирида ўзи билан бирга Чирчиқ шаҳрида жойлашган 13-сонли ЖИЭД колониясида жазо ўтаган ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колониясида жазо ўтаб келаётган таниши 1990 йилда туғилган Игамбердиев Абдурахмон Абдуллаевич билан уяли алоқа воситаси ёрдамида гаплашиб, А.Игамбердиевни “Б” тоифадаги енгил автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси олмоқчилигидан хабар топиб, хавфли рецидивист бўлиб, уни ишончига кириб, ўзи яшаб келаётган Ангрен шаҳрида жойлашган автомактабларнинг биридан юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги пора эвазига бирон-бир тўсқинликсиз ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришни ваъда қилиб, 2024 йил 03 июль куни соат 09:55да А.Игамбердиев жазо ўтаб келаётган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колониясига олдиндан пора тариқасида талб қилинган пулларни олиш мақсадида келиб, маъмурий биносида А.Игамбердиевдан “Б” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериш эвазига алдов йўли билан 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни юқори лавозимда ишловчи танишларига пора тариқасида бериш мақсадида олган вақтида Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колонияси ходимлари ҳамкорлигида А.Игамбердиевнинг аризасига асосан, ўтказилган тезкор-тадбир давомида ашъвий далиллар билан жиноят устида ушланган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Браун айбига тўлиқ иқрор бўлиб, Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли ЖИЭ муассасасида жазо ўтаб келаётган вақтида маҳкум А.Игамбердиев билан танишиб қолганлигини, ушбу ҳодисага шубҳасизликка чикқанидан сўнг, А.Игамбердиев Оҳангарон шаҳар, худудидаги



44-сонли манзил колониясига жазо ўташ учун чиқарилганлигини, 2024 йил май ойи охирида А.Игамбердиев уни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, гаплашиб юрганлигини, 15.06.2024 йил А.Игамбердиев уни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси кераклигини айтганлигини, ундан “ҳайдовчилик гувоҳномасини нима қиласан сен манзил колониясида жазо ўтаётган бўлсанг” деб, сўраганида А.Игамбердиев унга опаси унга янги “Жентра” русумли автотранспорт воситаси олиб берганлигини айтганлигини, унга озодликка чиққанингдан сўнг, ўзинг қилдириб оласан деб, айтганлигини, А.Игамбердиев унга бунга уни вақти йўқлигини ва ёрдам беришини сўраганлигини, у Ангрен шаҳрида жойлашган автомактаблардан сўраб суриштириб кўришини ва жавобини айтишини айтганлигини, А.Игамбердиев уни шартларига рози бўлганлигини, шундан сўнг, А.Игамбердиев 3-4 кун қўнғироқ қилмаганлигини, орадан 3-4 кун ўтганидан сўнг, қўнғироқ қилиб уни илтимоси нима бўлганлигини, нима керак деб сўраганлигини у А.Игамбердиевга сўрамаганлигини 1-2 кундан сўнг, ўзи қўнғироқ қилишини айтганлигини, орадан 2-3 кун ўтиб, А.Игамбердиев уни қўл телефонига қўнғироқ қилганлигини, У А.Игамбердиевга одам топгани йўқлигини билиб ҳаммасини айтишини ёки СМС хабар юборишини айтганлигини,

22.06.2024 йил Олмалиқ шаҳрида яшовчи таниши Р.Пирманов қўнғироқ қилганида у билан ҳайдовчилик гувоҳномаси қилиш масаласида гаплашганида унга ўзига ҳайдовчилик гувоҳномаси олиши ҳақида айтганлигини, шу вақтда А.Игамбердиев эсига тушиб, Р.Пирмановдан ҳайдовчилик гувоҳномасини қаердан ўқимасдан туриб сотиб олса бўлади деб, сўраганида унга водийдан сотиб олса бўлади деб, жавоб берганлигини, у Р.Пирмановдан қанчага сотиб олса бўлади деб, сўраганида 1500 АҚШ доллари миқдоридан пул кетишини айтганлигини, орадан 2 кун ўтиб уни қўл телефонига А.Игамбердиев қўнғироқ қилиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини сўраганида ўзи шу вақтда пулга муҳтож бўлиб юрганлиги сабабли, А.Игамбердиевни алдаб пулини олиш мақсадида яшаш манзили ҳақида маълумотнома кераклигини айтганида А.Игамбердиев ундан опаси пул олиб келса аниқ бўладими деб сўраганида у А.Игамбердиевга “аниқ бўлади агар ўхшамаса мен ўзим қайтариб бераман” деб, жавоб берганлигини шунга А.Игамбердиев унга ёнига одам келишини айтганлигини,

А.Игамбердиевга ёнига ҳеч ким келиши шарт эмаслигини, пулни уни пластик картасига ўтказиб беришини ҳужжатларни телеграмдан ташлаб беришини айтганлигини, А.Игамбердиев унга бундай шароити йўқлигини телефон ишлатиш мумкин эмаслигини айтганлигини, унга бир иложини топармиз деб, жавоб берганлигини, орадан 2 кун ўтиб, А.Игамбердиев уни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини нима қилдинг ишимиз нима бўлди деб сўраганлигини, у А.Игамбердиевга “ҳал қилаябман” деб, алдашга ўтганлигини, А.Игамбердиев ундан “аниқ 1500 АҚШ доллари бўладими” деб, сўраганида унга етмаса ўзидан қўшиб қилдиришини кейин “сендан оламан” деб айтганлигини, шундан сўнг, А.Игамбердиев телефонни ўчирганлигини 2024 йил 02 июль куни соат тахминан 17.00 лар атрофида А.Игамбердиев қўнғироқ қилиб, пуллар тайёр бўлганлигини у жазо ўтаб келаётган 44-сонли



колонияга келиб олиб кетишини айтганлиги сабабли, унга бора олмаслигини, биронта таксидан чиқариб юборишини айтганида А.Игамбердиев ҳеч кимга ишонмаслигини катта пул эканлигини айтганлигини, шундан сўнг, у А.Игамбердиевга эртага бораман деб, айтиб, 03.07.2024 йил А.Игамбердиев уни қўл телефонига соат тахминан 06.00дан бошлаб, 5-6 маротаба қўнғироқ қилганлигини, у қўнғироқларига жавоб бермаганлигини соат 07.00да қайта қўнғироқ қилганлиги сабабли, гўшакни кўтарганида А.Игамбердиев ундан келаябсанми деб сўраганлигини, унга “ҳа ҳозир машина кутиб ўтирибман бораман” деб жавоб берганлигини, орадан ярим соат ўтиб, А.Игамбердиев уни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, “келаябсанми” деб, сўраганлигини, у йўлга чиқаябман деб, йўлдан такси ушлаб, Оҳангарон шаҳар, худудидаги 44-сонли манзил колониясининг қабул бўлимига келиб, маҳкум А.Игамбердиев билан учрашиш учун манзил колонияси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлигини, аризасига имзо чекиб рухсат беришганидан сўнг, фуқаролар билан учрашув хонасига кириб, тахминан соат 08.30ларда маҳкум А.Игамбердиев билан учрашганлигини, А.Игамбердиев билан учрашганида унга қўлида бўлган паспорт нусхаси, маълумотномани бериб, эғнида бўлган шимини ўнг чўнтагидан салафан пакетни чиқариб, уни ичидаги пулни олиб узатганлигини, у пулни А.Игамбердиевдан олиб очиб кўрганлигини, А.Игамбердиевга пулларинг сохтага ўхшайди деганида улар ўтирган жойга унга нотаниш бўлган 4-5 киши келишиб, ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлими ходимлари эканлигини айтишиб, А.Игамбердиевнинг аризасига асосан, тезкор-тадбир эълон қилинганлигини айтишганлигини ва ундан нима сабабдан А.Игамбердиев билан нима мақсадда кўришганлигини ва нима олганлигини сўрашганида уларга ўз ихтиёри билан А.Игамбердиевдан олган ҳужжатлар ва 1500 АҚШ доллари пулларни тақдим қилиб, бўлган ҳолатни гапириб берганлигини, шундан сўнг, уни ва тадбир иштирокчиларини ҳужжатларни расмийлаштириш учун Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлимига олиб келишиб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганлигини ва ҳужжатлар расмийлаштирилиб имзолаш учун тақдим қилинганлигини, А.Игамбердиев ўзининг телефон рақамидан 2024 йил май ойидан то 03.07.2024 йилга қадар +99893-420-26-92-рақамига қўнғироқ қилиб келганлигини, маҳкум А.Игамбердиев нима сабабдан айнан унга ҳайдовчилик гувоҳномаси олишда амалий ёрдам беришни сўраб, мурожаат қилганлигини у билмаслигини, уни юқори лавозимда ишловчи ва фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ваколатига эга бўлган танишлари, қариндошлари йўқлигини, А.Игамбердиевдан олган 1500 АҚШ долларини олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатмоқчи бўлганлигини, А.Игамбердиевга ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб бермоқчи бўлмаганлигини, У А.Игамбердиевни алдаб, ундан 1500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб, телефон рақамини алмаштириб, ташламоқчи бўлганлигини, А.Игамбердиевдан пулларни олиб, ушбу пулларда ичидан ўтган сими кўринмаганлиги сабабли, унга пуллар қалбаки эканлигини айтганлигини, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини қилган ишидан чин дилдан пушаймондалигини, қари онаси борлигини айтган кўрсатуви билан;



Судланувчи Д.Браун эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, кўрсатув бериб ўтса-да, унинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган А.Игамбердиев, Д.Браун билан 2023 йил ёз фаслида Чирчиқ шаҳрида жойлашган 1-МММ 13-сонли ЖИЭКда танишганлигини, 2023 йил ёз ойларида Чирчиқ шаҳрида жойлашган 1-МММ 13-сонли ЖИЭК ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб юрган вақтида Ангрен шаҳридаги автомактабда таниши борлигини, ўқишга бормасдан ва имтиҳонларсиз “Б” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришини айтганлигини, у бу вақтлари ишлаб чиқариш корхонасида Д.Браун тақсимловчи бўлиб, у эса фаррош бўлиб ишлаганлигини, 01.02.2024 йилда Д.Браунни озод қилишганлигини, 27.02.2024 йилда уни Оҳангарон шаҳридаги 44-сонли манзил колониясига ўтказишганлигини, 2024 йил июнь ойларида Д.Браун унга қўнғироқ қилиб, 700 минг сўм пул бериб туришини сўраганлигини, унга пули йўқлигини айтганлигини, кейин Д.Браун унга Ангрен шаҳридаги автомактабдаги танишлари билан гаплашганлигини, 3 та ҳужжат яъни, 44-сонли ЖИЭКда жазо ўтаётганлиги ҳақида маълумотнома, шаҳодатнома ва паспорт нусхалари кераклигини айтиб, смс орқали 1500 АҚШ доллари бўлишини айтганлигини, шундан сўнг, у буни ноқонуний иш эканлигини англаб, бўлиб ўтган ҳолат бўйича колония ходимларига хабар берганлигини ва улар унга Департамент Олмалиқ шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилиши кераклигини айтишганлигини, у ИЖҚК Департамент Олмалиқ шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилганлигини, Департамент ходимлари томонидан холислар иштирокида 13 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги муляж пулларга ва 2 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги ҳақиқий пулларга мутахассис томонидан махсус кимёвий кукун ёрдамида ишлов берилган 1500 АҚШ доллари пулларни ва номсиз овоз ёзиш мосламасини беришганлигини, 03.07.2024 йил Д.Браун қисқа муддатли учрашув ўтказиш учун келиб колония бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлигини, у эса юқорида айтиб ўтган 3 та ҳужжат яъни, 44-сонли ЖИЭКда жазо ўтаётганлиги ҳақида маълумотнома, шаҳодатнома ва паспорт нусхаси ҳамда кимёвий ишлов берилган пулларни олиб, Д.Браун билан кўришганлигини, унга ҳужжатларни ва кимёвий ишлов берилган пулларни Д.Браунга берганлигини, Д.Браун эса пулларни санаб олганлигини, у эса тезкор ходимларга келишилган ишорани берганлигини, шундан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келишиб хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништириб, тезкор-тадбир ўтказилганлигини эълон қилишиб, бўлиб ўтган ҳолат юзасидан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштириб, у ва барча иштирокчилардан тушунтириш хатлари олиб барча иштирокчилар томонидан имзоланганлигини, Д.Браун 1500 АҚШ доллари эвазига унга ҳайдовчилик гувоҳномасини Оҳангарон туманидан ҳайдовчилик гувоҳномаси чиқса Ангрен шаҳридан олиб кетишини, ўқишга ва имтиҳонга бормасдан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришни ваъда қилганлигини, автомактабдаги танишлари орқали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришини айтганлигини, айнан ким орқали олиб беришини айтмаганлигини,



1500 АҚШ доллари эвазига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериш таклифи Д.В.Брауннинг ўзидан чиққанлигини айтиб кўрсатув берди;

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган Ф.Абдикаримов, 2024 йил 3 июль куни соат 08:30лар атрофида Олмалик шаҳри марказида Олмалик шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида ишловчи М.К.Бурхонов билан юрган вақтида уларга нотаниш бўлган икки нафар фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оргин ходимлари деб таништириб, ўтказилиши кўзда тутилаётган тезкор-тадбирда холис гувоҳ тариқасида иштирок этишларини сўрашганлигини, кейин ўтказилиши кўзда тутилаётган тезкор-тадбирда иштирок этишга розилик беришганлигини, кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан бирга тезкор-тадбирда холис гувоҳ тариқасида иштирок этиш учун Оҳангарон шаҳар ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колониясига етиб боришганлигини, тезкор-тадбирни бошлашдан олдин аризачи А.А.Игамбердиевга у ва шериги М.Бурхоновни иштирокида 1500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларига яъни, 13

100 АҚШ доллари купюрасидаги муляж пулларга ва 2 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги ҳақиқий пулларга мутахассис томонидан махсус кимёвий кукун ёрдамида ишлов беришиб, пулларни тақдим қилиш баённомасига асосан, аризачи А.Игамбердиевга тақдим қилишганлигини, кейин улар “Денис” исмли шахсни келишини ташқарида кутиб туришганлигини, орадан бироз вақт ўтгандан сўнг, унга олдиндан нотаниш бўлган рус миллатига мансуб “Денис” исмли шахс Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колониясига кириш учун рўйхатдан ўтиб, фуқаролар учрашуви учун мўлжалланган хонага кириб, у ерда аризачи А.Игамбердиев билан бироз гаплашиб ўтиришганлигини, соат тахминан 09.50лар атрофида аризачи А.А.Игамбердиев, “Денис” билан ўзаро олди берди қилиб, бўлганидан сўнг, аризачи олдиндан келишилган ишорани яъни, чўнтагида бўлган уяли алоқа воситасини чиқариб, стол устига қўйганидан сўнг, барча тезкор-тадбир иштирокчилари аризачи А.Игамбердиев ва “Денис” исмли шахс ўтирган хонага кириб, ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, Департаментнинг Олмалик шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колонияси ходимлари деб, таништириб тезкор-тадбир эълон қилишганлигини “Денис” исмли шахсдан нима бўлганлиги ва ўзини таништиришини сўрашганида у 26.01.1992 йилда Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, муқаддам сўздан 3 маротаба судланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Дукент кўрғони, “Набахор” МФЙ, 10-дахаси, 2-уй, 7-хонадонда яшовчи Браун Денис Валентинович деб таништириб, аризачи А.Игамбердиевдан 1500 АҚШ долларини Оҳангарон туманидаги автомактабларнинг бирида юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали "Б" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини тўсқинликсиз олиб бериш эвазига пора тариқасида маълум қилиб, аризачи А.Игамбердиевдан олган пулларини ўз шериги билан тезкор-тадбир иштирокчиларига тақдим қилганлигини,



Д.В.Брауннинг ўнг ва чап қўл кафтлари мутахассис томонидан махсус лампа ёрдамида текширилганда оч сариқ яшил рангда ялтираб кўринди ва унинг икки қўл кафт соҳаларидан мутахассис томонидан суртмалар олиниб конвертларга уларнинг иштрокида солиниб муҳрланганлигини, мутахассис томонидан Д.В.Браун ихтиёрий тақдим қилган 1500 АҚШ доллари пулларга ишлов бериш ва тақдим қилиш баённомаси билан солиштириб кўрилганида серия рақамлари баённомадаги рақамлар билан бир ҳил эканлиги аниқланиб, махсус лампа ёрдамида текширилганида махсус кукун излари ва махсус қалам билан ёзилган “Пора” ёзуви оч сариқ яшил рангда ялтираб кўрилганлиги сабабли, уларнинг иштрокида конвертга солиб муҳрланганлигини, тезкор-тадбир якунида 1500 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олиниб, барча тезкор-тадбир иштирокчиларини ҳолатга аниқлик киритиш ва зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш учун Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлимнинг маъмурий биносига таклиф қилинганлигини, Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлимида барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тезкор-тадбир иштрокчиларига имзолаш учун баланд овозда ўқиб эшиттирилганини ва иштрокчилар томонидан имзоланганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган М.Бурхонов ҳам гувоҳ Ф.Абдикаримовникига айнан ўхшаш кўрсатуви билан;

Суд, судланувчи Д.Брауннинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг тергов ва суд мажлисида айбига тўлиқ иқро ва қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатуви, А.Игамбердиевнинг ИЖҚК Департамент Олмалиқ шаҳар бўлимига ёзган аризаси, пул маблағларига кимёвий ишлов бериш, кўздан кечириш, аризачига бериш ва овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш ҳақидаги баённомаси; овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш, кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённомаси; Д.В.Браун томонидан ИИВ хузуридаги ЖИЭД 1-МММ 44-сонли манзил колонияси бошлиғи Х.А.Алавдинов номига А.Игамбердиев билан қисқа муддатли учрашувга руҳсат беришни сўраб ёзган аризаси ва AD2749964 нусхалари билан. Д.В.Браундан олинган аризачи А.Игамбердиевнинг шаҳодатномаси; 11.07.2024 йилдаги 1182-сонли судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси билан; Д.В.Браундан ашёвий далил тариқасида олинган 1500 АҚШ долларидан 2 донга 100 АҚШ доллари купюрасидаги серия рақами PF 24811225D, PG11911347В жами 200 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларининг юзасида “ПОРА” ёзуви оч-сарик рангда товланиб, намуна сифатида тақдим қилинган махсус қалам изига “оч-сарик” рангда товланиши билан ўхшашлиги ҳақидаги хулосаси билан ва суд мажлиси давомида қайта текширилган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Брауннинг давлат органининг мансабдор шахсига пора беришга далолат қилишда ифодаланган жиноий қилмиши 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Чунки, ишда аниқланган ҳолатларга кўра, пора бериш ташаббуси пора берувчи яъни судланувчи Д.Браун томонидан билдирилган бўлиб, танишлари орқали мансабдор шахсларга пора беришга далолат этган.

Лекин, пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 3-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди ва унинг ушбу ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Сабаби, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддасида, “шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади.

Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади деб тушунтириш берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Д.Браун А.Игамбердиевдан “Б” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериш эвазига алдов йўли билан 1.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни юқори лавозимда ишловчи танишларига пора тариқасида бериш мақсадида олган вақтида тезкор-тадбир давомида ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Браунга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг йишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган



зарар мавжуд эмаслигини, оилавий шароитини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 56-моддасига асосан ғаразли ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчининг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, жиноят оқибатида етказилган зарар мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, Д.Браун муқаддам судланиб, судланганлик ҳолати тугалланмаганлигини инобатга олиб, жазонинг мақсади жазолаш эмас, балки тарбиялаш деган умумий тамойиллардан келиб чиқиб, судланувчига нисбатан жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг имкони йўқ деган хулосага келиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “г” бандида ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади” деб белгиланганлиги сабабли судланувчи Д.Браунга тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 17-сонли қарорининг 9-бандида “Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасига мувофиқ жиноят ишини юритиш тамом бўлганда (ишни тугатиш ёки иш бўйича ҳукм чиқаришда) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсалар ва ҳужжатларнинг тақдирини белгилаши шарт.

Шу билан бирга, ҳукм қонуний кучига киргач иш бўйича ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, тезкор тадбир давомида ишлатилган тоза тампон намунаси, махсус кимёвий қалам намунаси, пулларга ишлов беришда ишлатилган пахта танпони кукун намунаси, пулларга кимёвий ишлов беришда мутахассис томонидан фойдаланилган резина қўлқоп, судланувчи Д.Браундан суртма олишдан олдин олинган тоза тампон намунаси ва унинг ўнг ва чап бармоқларидан олинган суртмалар, мутахассис томонидан суртма олишда фойдаланилган резина қўлқопни тегишли тартибда йўқ қилишни;

Шунингдек, пора тариқасида тақдим қилинган 13 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги муляж пуллар, 2 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги ҳақиқий пуллар жами 1500 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар Департаментнинг Олмалик шаҳар бўлимига қайтариланлигини инобатга олишни;

Ҳукм қонуний кучга киргандан кейин тадбир давомида сўзлашувлар ёзиб олинган 1 дона ДВД дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни;

Судланувчи Д.Браунга тегишли бўлган 1 дона «Samsung AC-10» уяли алоқа воситаси Д.Брауннинг яқин қариндошларига тилхат орқали қайтариб беришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Браун Денис Валентинович (Braun Denis Valentinovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Браун Денис Валентиновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Браун Денис Валентиновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 4 (тўрт) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони махсус тартибли колонияларда ўтатириш белгилансин.

Ҳукм қонуний кучга киргунча Д.Браунга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 05 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучига киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган тоза тампон намунаси, махсус кимёвий қалам намунаси, пулларга ишлов беришда ишлатилган пахта тампони кукуни намунаси, пулларга кимёвий ишлов беришда мутахассис томонидан фойдаланилган резина қўлқоп, судланувчи Д.Браундан суртма олишдан олдин олинган тоза тампон намунаси ва унинг ўнг ва чап бармоқларидан олинган суртмалар, мутахассис томонидан суртма олишда фойдаланилган резина қўлқоплари жойлаштирилган 8 дона конверт тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Пора тариқасида тақдим қилинган 13 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги муляж пуллар, 2 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги ҳақиқий пуллар жами 1500 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар Департаментнинг Олмалик шаҳар бўлимига қайтарилганлиги инobatга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан кейин тадбир давомида сўзлашувлар ёзиб олинган 1 дона ДВД дискни жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Судланувчи Д.Браунга тегишли бўлган 1 дона «Samsung AC-10» уяли алоқа воситаси Д.Брауннинг яқин қариндошларига тилхат орқали қайтариб берилсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят ёки протест беришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Д.Юсупова

